

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТАРИХИ (1999-2010 ЙИЛЛАР)

Қосбергенов Б.Ж.

Қорақолпоқ давлат университети
qosbergenovbaxti@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси ИИБ нинг 1999-йилдан бошлаб 2010-йилга қадар болган муддатдаги тарихи, ривожланиши ва шу даврларда бўлиб отган энг асосий воқеалиklar ҳақида малумот беради. Мазкур даврларга ҳамоҳанг равишда, 2000-йилларгача мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиши билан боғлиқ оғир бир давр ҳукм суларди. Ҳар бир соҳада бўлгани каби, ички ишлар органлари тизимида ҳам кенг қамровли ишлар, улкан вазифалар, эчимини кутаётган муаммолар мавжуд эди. Бундай вазиятдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишига уринган айрим кимсаларнинг ноқонуний қилмишлари натижасида гиёҳвандлик, диний экстремизм, босқинчилик каби оғир жиноят турларининг сони кўпайиб кетди. Бундан эса, айрим чет давлатларда фаолият юритаётган экстремистик ташкилотларнинг жирканч мақсадли раҳнамолари томонидан фойдаланишига уриниб, республикаимиз ҳудудида мавжуд криминоген вазиятни издан чиқаришига, аҳолини ваҳимага солишига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига нисбатан шончсизлик уйғотишига ҳамда уларни қўрқитиши ва бўйсундиришига бўлган амалий ҳаракатлар қилинарди.

Таянч сўзлар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, В.Говорухин, Б.Пўлатов, Ўзбекистон Республикаси ИИБ.

ABSTRACT

This article provides information on the historical development and main events of Uzbekistan's State Security Service from 1999 to 2010. During this period, the country experienced a significant economic growth, but also faced various challenges related to internal security issues. The internal affairs agencies were involved in numerous complex tasks and faced serious problems that led to an increase in crimes such as corruption, religious extremism, and terrorism. Some extremist groups in other countries used Uzbekistan as a base to carry out their activities, which posed a serious threat to the country's security. To combat these issues, the government implemented various measures to protect the population and maintain law and order. However, these actions also led to concerns about human rights violations and abuse of power by law enforcement agencies.

Key words: *The Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan, V. Govorukhin, B. Polatov, State Security Service of the Republic of Uzbekistan.*

КИРИШ: Ушбу мақолада мустақилликга эришган дастлабки йилларда Ўзбекистон Республикасида юз берген давлат ҳавфсизлигига болган тақиқлар ва бу воқеалар фонидида юртимизни ҳимоя қилиш учун жанбозлик кўрсатган юрт фидойилари, ҳарбий, ички ишлар ҳодимларининг хизматларини алоҳида айтиб отмоқ лозим. Бугунги мақоламизда шу ва шунга охшаган бошқада воқеалар ва шу давр ичида ички ишлар органларида бўлиб отган ўзгаришлар ҳақида малумотлар берилди.

1999 йил 16 февраль куни Тошкент шаҳрида мудҳиш портлашлар содир бўлди. Ш.Рашидов кўчасида қолдирилган 2 та автомашинага жойлаштирилган портловчи мосламалар ҳаракатга келтирилиб, қўпоровчилик ҳаракати амалга оширилганлиги, соат 10:55да Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биноси олдида «ГАЗ-21» русумли автомашинага ўрнатилган портлаш мосламаси ҳаракатга келтирилиши, соат 11:00да Х.Юсуф кўчасида «ЗАЗ» русумли автомашинага ўрнатилган қўлбола портлаш мосламаси портлатилиши, соат 11:20да Марказий Банк биноси олдида «Ауди-100» русумли автомашина ҳамда соат 12:00да Яккасарой тумани А.Қаҳҳор кўчаси 22-уйнинг портлатилиши ҳолатлари юз беради. Мазкур қўпоровчилик ҳаракатлари натижасида 13 нафар бегуноҳ одамлар, жумладан, 1 нафар ички ишлар органи ходими вафот этишган, 128 нафарига эса, турли даражадаги тан жароҳатлари этказилган. Кейинчалик мазкур мудҳиш воқеаларнинг барча иштирокчилари аниқланиб, бир қисми қўлга олиш жараёнларида йўқ қилинган, бошқа қисми қўлга олиниб, адолатли жазо олганлар, айримлари эса бошқа давлатлар ҳудудида террористик актлар давомида йўқ қилинган;

1999 йил 30 март куни ички ишлар органлари ходимлари томонидан Тошкент шаҳри Ҳамза туманининг Фарғона йўли кўчасидаги кўп қаватли уйда яширинган “Туркистон ислом ҳаракати” террорчилик ташкилоти аъзоларини ушлаш махсус тадбири ўтказилиб, мазкур тадбир давомида қуролли қаршилик кўрсатган 2 нафар террорчи гуруҳ аъзолари ўлдирилади ва воқеа жойидан граната, ўқотар қуроллар ҳамда жинойтга алоқадор бошқа ашёлар олинади. Ушбу куннинг ўзида бир қатор ўта оғир жинойтларни содир этиб, қидирувда бўлган “вахҳобий” диний экстремистик оқими фаолларидан бири Тошкент шаҳри Ҳамза туманининг Буюк Ипак йўли кўчасидаги уйда яширинганлиги аниқланиб, уни қўлга олиш вақтида кўрсатилган қуролли қаршилик натижасида, террорчи отиб ўлдирилади;

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси президенти фармонлари, Ички ишлар вазирлиги ҳақидаги қонуни, Ички ишлар органлари ахбаротномаси ва қолаверса Қорақалпоғистон Республикасида мустақиллик йиллари бўйича бирқанша китоб

ва мақолалар муоллифи Н. Таумуратовнинг китоб ва мақолаларидан ҳам фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР: Мустақилликга эришилгандан кейин шу биз этироф этмоқчи болган даврда ички ишлар органларидаги болган кўпгина воқеа ва қолаверса президентимизнинг ушбу соҳага қаратган этиборлари ҳақида айтиб ўтилади.

1999 йил 15 ноябрь куни Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Угом-Чотқол боғи ҳудудида яшириниб, “тиш-тирноғигача” қуролланган 14 нафар террорчи гуруҳ аъзоларининг аниқланиши натижасида, ИИБ ходимлари билан қуролли тўқнашув юз беради ва натижада Янгиобод кўрғони ИИБ бошлиғи В.Говорухин, унинг ўринбосари Б.Пўлатов ҳамда тезкор вакил А.Қорабоевлар душман билан аёвсиз жанг пайтида мардонавор ҳалок бўлишган. 16 ноябрь куни эса “Янгиобод” дам олиш маскани ҳудудини ҳаводан кўздан кечириш вақтида 4 нафар жангариларнинг тоғли йўналишдаги излари топилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИБ “Барс” махсус жанговар отряди ходимларидан иборат тезкор гуруҳ томонидан тўрт нафар жангарилар таъқиб қилиниб, юз берган қуролли тўқнашув давомида улар йўқ қилинган;

Шу йилнинг ноябрь ойида Тошкент вилоятининг Ангрен ҳудудига йигирма нафар кўшни Тожикистон Республикаси орқали кириб келган қуролли жангарилар аниқланади. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ва бошқа мутассади органлар ҳамкорлигида зудлик билан тегишли тезкор тадбир амалга оширилиб, ўтказилган махсус операция натижасида жангариларнинг барчаси йўқ қилинган, орттирилган тажриба натижасида тадбир жараёнида биронта ходимга зарар этмаган;

2000 йил 25 июль куни “Туркистон ислом ҳаракати” террорчилик ташкилотининг қуролланган бир гуруҳ жангарилари хуфёналик учун ҳарбий форма кийишиб, кўшни Тожикистон томонидан Ўзбекистон давлат чегарасидан яширин йўллар билан ўтишиб, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани тоғли ҳудудларига кириб келганлиги аниқланади. Ички ишлар органларининг мард ва жасур ходимлари томонидан 4-11 август кунлари давомида “Киштут”, “Ҳамидарча” ва “Ангорқози” қишлоқларида ўтказилган махсус тадбирлар давомида жами ўн саккиз нафар жангариларнинг йўқ қилинишига эришилган, қолган террорчилар эса кўшни давлат ҳудуди орқали Афғонистонга ўтиб кетишган;

ҲУЛОСА: Ҳулоса қилиб якуний фикрга келар эканмиз биз такидлаб ўтмоқчи бўлган даврда давлатимиз тинчлиги учун қанчалар кўп ҳавфлар бўлган бўлсада давлат ҳимояси учун ўз жонидан воз кечишгада тайёр турган фидойи ички ишлар ходимларининг жонбозликларини айтиб ўттик ва улар давлатимиз

томонидан воқеалардан сўнг қандай даражада юксак этибор ва этирофга эришганликлари ҳақида малумотлар берилди. Қуйидаги малумотларда шундай воқеаларнинг я бирқанчалари айтиб ўтилади.

2000 йил 18 август куни 15 кишидан иборат қуролланган жангарилар Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги Чотқол тоғ-қўриқхонаси ҳудудида жойлашган 9209-сонли ҳарбий қисмга ҳужум қилишади, отишма давомида 2 нафар чегарачи ҳалок бўлади, чекинишга мажбур бўлган жангарилар эса Чотқол тоғ тизмаси ҳудуди бўйлаб яширинишади. 27 август куни Бўстонлик туманининг “Сардала” тоғли ҳудудида ҳамкорликда ўтказилган махсус тадбир натижасида 8 нафар жангари йўқ қилинади, қолганлари эса яширинишга улгуради. Бироз ўтиб, яъни 11 сентябрь куни қолган жангарилар ҳам Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти Оқтош қишлоғида эканлиги аниқланиб, ҳамкорликда йўқ қилинишига муваффақ бўлинган;

2004 йил 30 июль куни соат 16:50 да Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг биносига кириш йўлагига диний-экстремистик оқими аъзоси баданига маҳкамланган қўлбола портлатиш қурилмаси орқали ўзини портлатиши оқибатида бир нафар ИИБ Қўриқлаш бўлими ходими хизмат жойида вафот этган, ўн нафар фуқаро яраланган. Соат 16:55да Тошкент шаҳрида жойлашган АҚШ элчихонаси ёнида яна бир террорчи томонидан қўлбола ясалган портловчи мосламанинг ишга келтирилиши натижасида ушбу жойда хизмат ўтаётган икки нафар ИИБ ходими яраланган. Кейинчалик ушбу террорчилар ва уларнинг раҳнаомлари аниқланиб, чет элда яширинганликлари муносабати билан қидирув эълон қилинган;

2005 йил 12 май куни Андижон шаҳри марказида 200 га яқин “Акромий” ташкилоти тарафдорлари ва уларнинг оила аъзолари тўпланишиб, Қирғизистон Республикаси ҳудуди орқали Ўзбекистонга кириб келган 20га яқин жангарилар тўдаси бошчилигида 5 та гуруҳга бўлинган ҳолда, Андижон вилояти ИИБ ППХваЖЦБ биносига, 7377-сонли ҳарбий қисмга, Андижон шаҳар 1-сонли Тергов хибсхонасига, вилоят МХХга ҳамда 44086 ва 4821-сонли ҳарбий қисмларга қуролли ҳужум уюштирганлар. Шундан сўнг жангарилар Андижон вилояти ҳокимияти биносини эгаллаб олиб, ҳокимият вакиллари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини гаровга олишган. Уларнинг бир нечтаси намоийшкорона ўлдирилган. Ўзларининг қабих ишларини беркитиш мақсадида аҳоли орасида сохта маълумотлар тарқатиб, тартибсизликлар келтириб чиқаришга, шунинг натижасида дунё ОАВ орасида шов-шув кўтаришга ҳаракат қилишган. Душман билан олиб борилган аёвсиз жанг натижасида тартибсизликлар тўлиқ бартараф этилиб, кўплаб жангарилар йўқ қилинади ва қўлга олинишига муваффақ бўлинади. Айрим жангарилар қўшни

Қирғизистон орқали қочиб кетиб, турли хорижий давлатларда яширинишга муваффақ бўлишади. Шу билан бирга, афсуски, мазкур қуролли тўқнашувда 19 нафар ички ишлар органлари ходимлари мардларча ҳалок бўлишган;

2009 йил 29 август куни “Ислом жиҳодий эътиқоди” террорчилик ташкилотининг этакчи аъзоси, қидирувда бўлган Ш.Махмудов ва унинг ўғли Ш.Дилшодовлар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудларида ички ишлар органлари ва диний муассасалар ходимларига нисбатан қотиллик жиноятларини содир этиб, Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман ҳудудида кўп қаватли уйлардан бирига яширинганлар. ИИОлари томонидан ўтказилган махсус тадбир давомида юқорида қайд этилган жангарилар йўқ қилинишига эришилган. Шу йилнинг 7 сентябрь куни мазкур жиноий гуруҳнинг яна бир аъзоси, қидирувда бўлган Д.Исманходжаев ҳам ИИБ ППХваЖЦБ ходимлари билан юз берган қуролли тўқнашув жараёнида йўқ қилинган;

2010 йилнинг 14 август куни эса террорчи Ш.Махмудовнинг куёви, қидирувда бўлган Б.Соипов Тошкент вилояти Янгийўл тумани ҳудудида яшириниб юрганлиги аниқланади. Б.Соипов ИИБ ходимларига фаол қуролли қаршилик кўрсатишига қарамай, тезкорлик билан кўрилган чоралар натижасида уни Тошкент вилояти Зангиота тумани Ҳасанбой маҳалласи ҳудудида ушлашга муваффақ бўлинган. Кўриб турганимиздек, юқорида келтирилган барча нохуш ҳолатларда ички ишлар органларининг ҳалол, пок ва довурак ходимлари она юртининг азиз тупроғи ва ҳар қарич эри учун, ўз халқининг хавфсизлиги учун ўзларининг ширин жонларини хатарга қўйиб бўлса-да, мардонавор кураш олиб бордилар. Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин, албатта.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш ўринлики, мазкур оғир ва синовли даврларда ички ишлар органларида узоқ йиллардан бери хизмат қилиб келган, бой иш тажрибасига эга, устоз ва мураббийларнинг ёш ходимларга берган билим ва кўникмалари алоҳида аҳамият касб этган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг ахборотномаси. — 2021. — 4-сон
2. N. Tawmuratov “Insandı qorǵaw huquqı menen” Nókis 1992
3. "Ichki ishlar organlari to‘g‘risida"gi qonun Toshkent 2016
4. N. Tawmuratov “Qaraqalpaqstan Respublikası Ishki isler organları tariyxı” Nókis 2011